

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Нуриллаев Феруз Тоҳиржонович

Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10810923>

**Аннотация.** Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларниң ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантириши орқали ижтимоий, оиласий ва шахсий, ижтимоий-касбий масъулият ҳисси фуқаролик тарбиявий хислатларини ривожлантириши, уларнинг интелектуал салоҳиятли баркамол ёш-авлодни тарбиялаш масалалари, ўқувчи-ёшларни аҳлоқий таърбия, илм, интизом, маънавий етук, бўлиб вояга етишининг педагогик таъсир воситалари орқали ёритилган.

**Калим сўзлар:** таълим, тарбия, маърифат, касбий масъулият, баркамол, маънавият, истедод, билим, кўникма, ташаббускорлик, креативлик.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида мамлакатимизнинг эртаси бўлган – ёшларнинг ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантириш долзаб масала сифатида илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ижтимоий-касбий масъулятли баркамол ёшларни тарбиялаш масаласига тўхталар экан: 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида: “жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шиҷоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз” деган ушбу мурожаатлари замирида ҳам таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш-авлодни ижтимоий-касбий масъулиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Талаба-шахсининг ижтимоий, оиласий ва шахсий, ижтимоий-касбий масъулият ҳисси фуқаролик тарбиявий хислатларини ривожлантириш жараёнда намоён бўлади. Масъулият ҳисси бу гуруҳий ва ижтимоий кўринишга эга бўлиб, тури индивидуал, белгиланган ижтимоий мақсадлар орқали ижтимоий ташаббускорликни амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Онгли равишда эркин инсон ўз ташаббускорлиги билан жамият олдидаги масъулияти доирасини кенгайтириш имконига эга. Тадқиқот жараёнда белгиланган вазифалардан бири олий таълим муассасалари талabalарида ижтимоий ва касбий масъулият ҳиссини ривожлантириш нинг педагогик хусусиятларининг мазмуний боғлиқлигини аниқлаш ва асослаш этиб белгиланган. Ижтимоий - касбий масъулият ҳисси биз томонимиздан барқарор аҳлоқий ва шахсий фазилат сифатида қўрилиб, ижтимоий - касбий масъулият ҳиссига эга шахснинг хатти - ҳаракати стратегиясини ўз ичига олади, уларнинг ҳаракатларига ва натижаларига жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига мувофиқ, унинг асослари ижтимоий ва касбий ролларнинг фаол ва ихтиёрий равишда амалга оширилиши, шунингдек, олинган натижалар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳисобланади.

Б.Назарова ўзининг илмий ишида педагогнинг касбий тарбияланганлик компетентлилигини тадқиқ қилишда бир қатор илмий асарлар асосида унинг қуйидаги турлари фарқ қили-нишини таъкидлайди:


– маҳсус тарбияланганлик компетентлилиги – касбий фаолия-тини етарлича юкори даражада эгаллаганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш қобилияти;

– ижтимоий тарбияланганлик компетентлилиги – биргалиқдаги (гурұхлы, кооператив) касбий фаолиятни, ҳамкорликни ва, шунингдек, мазкур касбда қабул қилинган касбий мулоқот услубларини эгаллаганлик, үз касбий меңнати натижалари учун ижтимоий масъуллик;

– аутокомпетентлик – ўзининг ижтимоий-касбий харakteris-тикалари ҳақида адекват тасаввур ва касбий деструкцияларни енгіб ўтиш технологияларини эгаллаганлик;

– экстремал касбий компетентлик – түсатдан мураккаблашган шароитларда, ҳалокатларда, технологик жараёнлар бузилганида ва х.к.ларда ишлаш қобиляти.

Касбий тарбияланганлик компетентлилигининг күрсатыб ўтил-ған турлари бундай хилма-хиллигига қарамасдан, муаллифлардан ҳеч бири уларни таснифлаш мүмкін бўладиган умумлаштирувчи мезон асосини келтирмайди. Жумладан, ижтимоий тарбияланган-лик ва экстремал компетентликлар тавсифлаш учун турли асослар-га эга, демак, структураси, мазмуни ва тарбиялаш шароитлари бўйича фарқ қиласди. Равшанки, мазкур муаммо ҳозирги замон педагог ва психологияри ишларида ҳали үз ечимини топади.



### **1. расм. Ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантиришнинг таркибий қисмлари**

Куйдаги компонентларнинг ривожланганлик даражаси турлича бўлиши ва шу тариқа инсоннинг ижтимоий-касбий масъулият даражасини акс эттириши мумкин.

Мотивацион ҳусусиятларда, инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланадиган ва ривожланадиган эҳтиёжлар, мотивлар ва мақсадлар мажмuinи қамраб олади.

Аксиологик – қадриятлар ижтимоий-касбий йўналгантириш асосан талабадан аналитик, ташкилий, ижтимоий ташаббускорликка доир, таҳлилий-назарий босқичлар асосида ривожлантириш.

Когнитив сифатлар орқали талабаларда ижтимоий-касбий фаолиятга тегишли билимлар ва улар эгаллаши зарур бўлгани билан боғлиқликда ривожланади.

Фаолиятли ижтимоий – касбий сифатларни шакллантиришда ижтимоий танлов, талабаларда эгалланган билимлар, ижтимоий ҳатти-харакат ва мазкур кўникмаларни амалга ошириш усуслари коммуникатив сифатлар орқали ривожлантирилади.

Рефлексив-прогностик қўникмалар, талабаларда ижтимоий-касбий сифатларни ривожлантиришда ўз-ўзини назорат қилишга, муваффақиятсизликларнинг сабабларини ташки шароитлардан эмас, балки аввало ўз хулкларида ёки сифатларида излайдиган инсонлар муваффақиятга эришадилар деб ифодалаб таъкидлайдилар.

Н.Муслимов ўз тадқиқотлари доирасида бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигининг шаклланишига таъсир этувчи педагогик-психологик қуидаги омилларни таҳлил қиқлиб ўтади, булар:

1) мотивацион омил – ўқув ҳамда касбий ҳаракатларни эски қараашлардан ҳоли бўлган ҳолда амалга оширишга интилиш, ижодий қийинчиликларга тайёр бўлиш ҳамда бу борадаги ютуқларга, ижодий жараёнларга интилиш, топилган ечимлардан қониқиши хосил қилиш. Бунда етакчи мотивлар – ўзининг янги ечимларини топишга қизиқиши, ижодий фаолиятини ташкил этишга интилишдир.

2) интеллектуал омил – муаммоли таълим кўникмаларини эгаллаганлиги (муаммони кўра билиш, уни шакллантириш, муаммони ҳал этиш йўлларини топиш ва ҳоказолар), фикрлашнинг креативлиги (ностандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобилияти), мослашувчанлиги ҳамда тизимлилиги, ижодий тасаввур, моделлаштириш, лойиҳалаш, башорат қилишга, янги ғояларни топишга мойиллик.

3) иродавий омил – изланиш давомида, моделлаштириш ҳамда ўқув ва касбий вазифаларни ҳал қилиш учун ўз фаолият йўлини яратишида ирова сифатларини намойиш қилиш.

4) ҳиссий омил – изланувчанлик, қашфиёт ва ихтиrolарни амалга оширишга хос ҳиссиётларнинг намоён бўлиши, ўқув ҳамда касбий фаолиятда креатив ечимларни топиш йўлида зийрак бўлиш.

5) амалий-предметли омил – атрофдагиларга ғайриоддий бўлган хулқ эгаси бўлиш (янги ахборотлар ичида тез йўналиш топа олиш, ноанъанавий ечимлар излаш, фикрлаш, ҳаракат ва амалларнинг атрофдагилар учун кутилмаган йўналишда ўзгариши.

6) ўз-ўзини бошқариш омили – ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, ўз фикрларини зарур йўналишда бошқара олиш, янги ечимлар, ғоялар топиш имконини берувчи манбаларга интилиш, ўз ижодий фаоллигини таъминлаш учун мустақил равишида шароит яратса олиш каби омилларни аниқлаштириб ўтган.

М.Махмутов тадқиқотлари доирасида ижодий фаолиятда ижтимоий масъулят хиссини ривожлантириш масаласини шундай таъкидлаган эди, «Ижодий фаолият – эвристик фаолият бўлиб, унинг моҳияти муаммони тез тушунишдан, асосий ғоя, тушунчанинг моҳиятини англаб етишдан, ҳаракат усулини тўсатдан топишидан иборат. Бундай фаолият юкори жўшқинлик, субъектнинг обьектга катта қизиқиши билан тавсифланади» деб ифодалаб ўтган.

Б.Джураеванинг фикрича фаолиятли ёндашувнинг амалга оширилишида ўқитувчининг касбий-педагогик фаолиятининг ушбу турларини ажратади:

Гностик – умумкасбий ва ихтисослик фанлари учун хос бўлган билимлар таркибини мутахассис касбий фаолиятининг типик масалалари тузилмасига асосан интеграциялаш. Ўқув фанини ўқитиши мақсадларини ишлаб чиқиш ва таснифлаш.

Ўқув-методик умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш дастури талабалар билиш фаолиятлари элементлари бўйича ўқув-методик мазмунини танлаши.

Креатив фаолият – барча ажратилган мавзулар бўйича ўқув дастурига мувофиқ равишида ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш.

Коммуникатив-ташкилий – таълим олувчи ва ўқитувчи ўзаро фаолиятининг коммуникатив-ташкилий аспектларини таълим олувчиларнинг мустақил бошқариладиган иши жараёнида ишлаб чиқиш ва назоратни ташкил этиши.

Демак, биз олий таълим муассасалари талабалари ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантириш муаммоси, унинг таркибий тузилишини очиб таҳлил қилиш лозим. Ижтимоий-касбий масъулият ҳиссининг муҳим регулятори бўлган шахснинг ижтимоий хулқ-авторининг барқарор стратегияси сифатида белгиланиши мумкин. Талабалар ижтимоий хулқ-автори, тил ва бошқа семантик формациялар орқали ижтимоий белгиланадиган ҳаракатлар мажмуи орқали намоён бўлади, улар ёрдамида ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқада бўлиши, талаба-шахсининг гурух ижтимоий муносабатларида муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий хулқ-автор инсоннинг бошқа одамларга, жамиятга ва объектив дунёга нисбатан ҳаракатларини ўз ичига олади. Бундай ҳаракатларни тартибга солиш билан бир қаторда, жамиятда тартибга солинади ва шахс онги билан боғлик бўлиб, ички тартибга солишни ифодалайди.

## REFERENCES

1. Xalq so‘zi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy Majlisga Murojaatnomasi” 2020 y. 30 dekabr №-255 son
2. Назарова Б.А. Педагогика колледжлари бўлғуси ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш: Дис. ... пед. фан. ном. – Т.: 2009. – 170 б.
3. Муслимов Н.А муаллифлиги асосида ёзилган. “Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” номли Монографияси. Фан ва технология.: 2013 й. 6-10 б
4. Махмутов, М.И., Ибрагимов, Г.И., Чошанов, М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся [Текст] / М.И. Махмутов, Г.И. Ибрагимов, М.А. Чошанов. – Казань: ТГЖИ, 1993. – 88 с.
5. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе изучения дисциплин педагогического цикла. – Т.: «Фан», 2003. - 177 с.
6. Tursunboyevich A. O. Development of socially active citizenship competence in students and youth in continuous education. – 2022.
7. Tursunboyevich O. A. Pedagogical and psychological opportunities for the development of social active civil competences in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – S. 1888-1897.
8. Abduganiyev O. Formation of legal training aimed at competitiveness in pupils of secondary schools //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2019. – Т. 9. – №. 7.
9. Tursunboyevich O. A. Pedagogical and psychological opportunities for the development of social active civil competences in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – S. 1888-1897.
10. Abduganiyev O. T. FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF SOCIALLY ACTIVE CITIZENSHIP COMPETENCE IN STUDENTS //E Conference Zone. – 2022. – S. 10-13.
11. Oglu A. O. T. Pedagogical Conditions And Mechanisms Of Development Of Social Active Civil Competence In Students //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education. – 2021. – Т. 12. – №. 7. – S. 433-442.
12. Abdug‘Aniyev O. MADANIYATSHUNOSLIK YONDASHUVI ASOSIDA TALABALARDA UMUMINSONIY QADRIYATLARGA OID KOMPETENTLILIKNI

- RIVOJLANTIRISH //Science and innovation. – 2023. – T. 2. – №. Special Issue 9. – C. 316-319.
- 13. Абдуғаниев, Озод. "ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ." *Innovations in Technology and Science Education* 1.5 (2022): 161-168.
  - 14. O'G, Abdug‘Aniev Ozod Tursunboy. "TALABALARDA IJTIMOIY FAOL FUQAROLIK KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI." *Science and innovation* 2.Special Issue 5 (2023): 708-713.
  - 15. Tursunboyevich, Abduganiyev Ozod. "Development of socially active citizenship competence in students and youth in continuous education." (2022).
  - 16. O'G, Abdug‘Aniyev Ozod Tursunboy. "TALABALAR IJTIMOIY TASHABBUSKORLIGINI RIVOJLANTTIRISHDA TA'LIM MUASSASASINING IJTIMOIY-MADANIY MUHITI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK." *Science and innovation* 2.Special Issue 4 (2023): 150-154.
  - 17. Jumaniyozov, X. S., Nigmanova, U. B., Rasulova, A. M., & Abdug‘aniyev, O. T. (2022). The essence of the phenomena of extremism and terrorism in the context of globalization and its threat to the stability of the international community. *Ann. For. Res*, 65(1), 9173-9179.